





Фитр садақасига хурмо ва арпадан бир соъдан беришга ҳамма мазҳаб ва уламолар иттифоқ қилишган.

هُلَّلَ لَيْلَ صَبَّيْ لَنَا مَزِيَّةً طَعْنُ الْبُكَ لَأَقُ ، هُوَ عُلُوهُ لَلِ يَضْرِبُ رَدِي عَسَّ يَبَّ أُنَع  
بِبَبِي زَنْ مِ اعْصُ وَأُ رِي عَشْ نَمِ اعْصُ وَأُ رَمْتْ نَمِ اعْصُ وَأُ مِ اعْطُ نَمِ اعْصُ مَلَسْ وَهُوَ لَع  
نِي دُمُ لُدَعِي آدَهْ نَمِ أَدُمِ يَرَأُ : لَأَقُ أَرْمَسْ لَلِ تَعَّاجُ وَهُوَ عِ وَاعْمُ عَاجُ مَلَفِ ، طِقْ أُنَمِ اعْصُ وَأُ  
سَانَلِ مَلَكْفِ ، أَرْمَتْ عُمُ وَأُ جُحُ عِ وَاعْمُ أَنْ يَلَعِ مَدَقُ يَتَحُ : عِ يَ أَوْرِي فَوْ . هُوَ سَمَّ حَلَّ أَوْ  
نَمِ اعْصُ لُدَعْتِ مِ اشَلِ لَلِ أَرْمَسْ نَمِ نِي دُمِ نَأُ يَرَأُ يِنَا : هُوَ مَلَكُ مَمَنْ نَكْفِ ، رَبَّنَمِ لَلِ يَلَعِ  
كَلَدَكُ هُوَ جُحُ لَأَزَا لَفِ ، أَنْ أَمَّ أْفِ : دِي عَسَّ وَبُ لَأَقُ ، كَلَدُ بَسَانَلِ دَحْ أْفِ ، رَمْتْ

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида у (фитр садақаси) ни таомдан бир соъ, ёки хурмодан бир соъ, ёки арпадан бир соъ, ёки майиздан бир соъ, ёки қуртдан бир соъ берар эдик. Муовия келгач, буғдой келганида:**

**«Менимча, манавининг бир мудди икки муддга тенг келади», деди».**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

*Бошқа бир ривоятда бундай дейилган:*

**«Муовия ҳаж ёки умра қилиб келганида ва одамларга минбарда туриб гапирганида:**

**«Менимча, албатта, Шомнинг икки мудд буғдойи бир соъ хурмога тенг келади», деди. Одамлар шу гапни ушлашди. Абу Саъид:**

**«Аммо мен бурун қандоқ бўлса, ўшандоқ чиқаришда давом этмоқдаман», деди».**

Абу Саъид розияллоҳу анҳу аввал садақаи фитр таомдан бир соъ бўлишини айтиб туриб, кейин унинг турларини – хурмо, арпа, майиз ва қурт, деб батафсил айтганлар.

Ўша вақтда Ҳижозда буғдой истеъмоли оз бўлган, деярли бўлмаган. Шунинг учун у ерда кенг тарқалган тўрт хил таомнинг зикри келган. Кейинчалик, буғдой ўсадиган жойлар ҳам мусулмон юртларга айланганидан кейин, у Ҳижоз диёрида ҳам тарқалган. Буғдойнинг қиймати устун, унга талаб кучли бўлгани учун унинг ярим соъ миқдори бошқа таомларнинг бир соъ миқдorigа тенг қилинган.

«Мудд» ҳам оғирлик ўлчови бўлиб, тўрт мудд бир соъга тенг бўлади. Бу гапни халифа Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анху Шомдан Ҳижозга ҳаж ёки умра қилиб келганида эслатган экан. Шунда одамлар унинг гапини олиб, буғдойдан ярим соъ миқдорида садақаи фитр беришга ўтган эканлар.

Аммо Абу Саъид розияллоху анхунинг бунга кўнгиллари бўлмай, бир соъ беришда давом этишни маъқул кўрган эканлар.

رَبَّنَا صَلِّ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَآلِهِ وَسَلَّمَ وَبَارِكْ وَسَلِّمْ  
وَأَعِزَّهُمْ لَنَا فِي دِينِنَا وَدَوْلَتِنَا وَأَرْضِنَا  
وَأَمْرِنَا وَمَنْعِنَا وَأَعِزَّهُمْ لَنَا فِي دِينِنَا  
وَدَوْلَتِنَا وَأَرْضِنَا وَأَمْرِنَا وَمَنْعِنَا  
وَأَعِزَّهُمْ لَنَا فِي دِينِنَا وَدَوْلَتِنَا  
وَأَرْضِنَا وَأَمْرِنَا وَمَنْعِنَا

*Ҳасан розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Ибн Аббос Рамазоннинг охирида Басранинг минбарида хутба қилиб:**

**«Рўзанинг садақасини чиқаринг», деди.**

**Одамлар билмагандек тураверишди. Шунда у:**

**«Бу ерда аҳли Мадинадан ким бор? Туринглар! Биродарларингизга ўргатинглар! Улар билишмас экан! Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бу садақани хурмо ва арпадан бир соъдан ва буғдойдан ярим соъ ҳар бир ҳуру қулга, эркагу аёлга, кичигу каттага фарз қилганлар», деди.**

**Али келганида баҳонинг арзонлигини кўриб:**

**«Аллоҳ сизларга (ризқни) кенг қилиб қўйибди. Ҳар нарсадан бир соъ қилсангиз, яхши бўларди», деди».**

*Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.*

Бу ҳадисда Набийимиз соллаллоху алайҳи васаллам томонларидан фитр садақаси ярим соъ қилиб белгилангани айтилмоқда. Ҳанафий мазҳаби мана шу гапни ҳужжат қилиб олган.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.